



## ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ АХБОРОТ-ТАХЛИЛ ФАОЛИЯТИДА МУАММОЛАР

*Донишов Бунёд Мухиддин Ўгли*  
*Ўзбекистон республикаси ИИВ академияси*  
*3 ўқув курси 329 гуруҳ “Ташкилий штаб ва юридик*  
*таъминлаш фаолияти” кафедраси*

**Аннотация:** Ушбу мақолада ҳуқуқни муҳофаза этувчи ва ички ишлар ораганлари ахборот-тахлил фаолиятида юзага келган муаммолар ва камчиликлар, уларни бартараф этиш бўйича тафлифлар, ички ишлар ораганларининг ахборот билан билан таъминланганлик даражаси ва хориж мамлакатларидаги ахборот-тахлил жараёнларидаги тажрибалари, ҳуқуқни муҳофаза этувчи ва ички ишлар ораганлари ахборот-тахлил фаолиятида ўзаро ҳамкорликлари келтирилган.

**Аннотация:** В данной статье рассмотрены проблемы и недостатки информационно-аналитической деятельности сотрудников правоохранительных органов и внутренних дел, предложения по их устранению, уровень информационной безопасности органов внутренних дел и опыт информационно-аналитических процессов в зарубежных странах, информационная безопасность. сотрудников правоохранительных органов и внутренних дел - представлено сотрудничество в аналитической деятельности.

**Калит сўзлар:** ахборот, фаолият, муаммо, ахборот-тахлил, ички ишлар ораганлари

### КИРИШ

Тарихдан маълумки барча даврларда ахборот катта аҳамият касб этиб келган. Хозирги ХХІ асрга келиб бугун дунёда ахборотни таҳлил қилиш ижтимоий ҳаётда юзага келган бир қанча камчиликларни бартараф этишда муҳим аҳамият касб этади. Албатта ахборотни тўғри ва ҳолисона таҳлил қилиш муҳим ҳисобланади. Бугунги кунда кўплаб соҳаларда ахборот таҳлил фаолияти кенг фойдаланилмоқда. Ахборотни таҳлил қилиш орқали соҳада юзага келган камчиликлар ва муаммоларни аниқлаб уларни бартараф этишга, соҳани янада ривожлантиришига имкон беради.

**Асосий қисм:** Худди бошқа давлатларда бўлгани каби Ўзбекистон Республикасида ҳам ахборот таҳлил фаолияти ва уни қайта кўриб чиқилишига



катта эътибор қаратилмоқда. Шунинг учин ҳам мамлакатимизда ахботлаштириш жараёнлари жадал ривожлантирилмоқда. ( электрон ҳукумат ) Хозирги ривожланиб бораётган замонда ҳам энг катта эътибор ҳам ахборот билан ишлашга қаратилмоқда. Ахботот-таҳлил фаолиятига хар бир давлатларда турли хил даврларда ривожланди. Масалан Россия федератсиясида ахборот хавфсизлигига ва ахборотни таҳлил қилиш фаолиятига ХХ асрнинг 90 йилларида катта эътибор берилди бошлаган. Улар учун ахборот ядро хавфсизлигидан ҳам муҳим ҳисобланади. Ўзбекистон республикасида ахборот таҳлил фаолиятига 2016-2019 йилларда катта эътибор берилиб шакллани бошланди. Ушбу йиллар давомида бир қанча норматив ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Улардан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2018 йил 29 мартдаги **“Давлат органларинг эксперт-таҳлил фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги ПҚ-3628-сонли қарори ҳуқуқий асослардан бири бўлиб хизмат қилди. Ушбу қарор билан барча давлат бошқарув органларида эксперт-таҳлил гуруҳлари ташкил этилди.

Ички ишлар органларида ахборот таҳлил фаолияти ривожлантириш учун ушбу органга алоҳида эътибор қаратилиб келинмоқда. Ушбу эътиборни Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 23 августдаги **“Ички ишлар органлари бошқарув, назорат ва шахсий таркиб билан ишлашнинг самарали тизимини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”**ги ПҚ-3919 сонли қарорида ҳам яққол кўришимиз мумкин. Қарорнинг қабул қилиниши ички ишлар органларининг бошқарув, таҳлилий-ҳуқуқий ва прогнозлаш фаолиятини янада такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари ҳамда унинг механизмларини жорий этишнинг муҳим ҳуқуқий асоси бўлди.

Ички ишлар органларида ахборот-таҳлил фаолиятини амалга оширишнинг зарурати ва мажбурийлиги амалдаги қонун ва қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг нормаларида ҳуқуқий тартибга солинган бўлиб, мазкур нормаларнинг ижросини нафақат ахборот-таҳлил фаолияти функцияси юқлатлаган субъектлар томонидан, балки ички ишлар органларининг барча бўғиндаги таркибий тузилмалари томонидан ҳам таъминланади. Ички ишлар органларида ахборот-таҳлил фаолиятининг мазмунини маъмурий ҳудудда содир бўлаётган ҳодиса ва жараёнлар моҳияти, уларнинг юзага келиш сабаблари ҳамда криминоген вазиятнинг ҳолати ва хусусиятига таъсирини ўрганиш, таҳлил қилиш, ички ишлар органлари фаолиятини тезкор вазият тўғрисидаги маълумотлар билан



таъминлаш ҳамда шу асосда салбий омилларни бартараф этиш борасидаги ишларнинг асосий йўналишларини белгилаш ташкил этади.

Ички ишлар органларида ахборот-таҳлил фаолияти ижодий жараён бўлиб, унинг натижасида тегишли маълумотларни тадқиқ қилиш орқали алоҳида фактлар тегишли ишни ташкил этишга ёрдам берадиган яқуний маҳсулотга айланади. Ахборот-таҳлил фаолияти жараёнида йиғилган, баҳоланган ва шарҳланган маълумотлар асосида тайёрланган ҳужжат унинг натижаси ҳисобланади. Ахборот-таҳлил фаолиятининг натижаси бўлган таҳлилий ҳужжат шундай баён этилиши керакки, натижада ундан ички ишлар органлари фаолиятида муайян вазифаларни ҳал этишдаги аҳамияти аниқ ва равшан кўриниб туриши лозим. Бу таъриф ахборот ишининг “хом материали” ҳамда “яқуний маҳсулоти” ўртасидаги тафовутни тушуниб беришга ёрдам беради.

Ички ишлар органларида ахборот-таҳлил фаолиятининг асосий мақсади, биринчи навбатда, тегишли йўналишнинг тўғри ва самарали ташкил этилишига қаратилган долзарб вазифаларни ҳал этиш бўйича бошқарув қарорларини ишлаб чиқиш ва қабул қилишга масъул бўлган бошқарув субъектларига кўмаклашишдан иборатдир.

Юқорида келтирилган бир қанча норматив ҳужжатлар ички ишлар органлари ахборот-таҳлил фаолиятида юзага келган бир қатор камчиликларни бартараф этиш мақсадида қабул қилинди десак муболаға бўлмайди. Ҳозирги кунда ички ишлар органлари ахборот таҳлил фаолияти бир қанча камчиликлар юзага келаган. Ички ишлар органлари ахборот-таҳлил фаолиятида муаммолар асосан туман (шаҳар) ички ишлар органлари ва вилоят ички органлари фаолиятида юзага келмоқда. Ушбу муаммоларга қуйидагиларни келтиришимиз мумкин: *биринчидан*: ички ишлар органларида ахборот-таҳлил фаолияти билан шуғулланувчи ходимларнинг ахборот-таҳлил фаолияти бўйича билимга эга эмаслиги; *иккинчидан*: туман (шаҳар) ички ишлар органларида ахборот-таҳлил билан шуғулланувчи ходимларни етишмаслиги; *учинчидан*: ахборот-таҳлил билан шуғулланувчи ходимлар томонидан баъзи бир қонун талабларига номутаносиб таҳлил қилиниши; *тўртинчидан*: ички ишлар органлари учун таҳлил билан шуғулланувчи кадрларни тайёрловчи муассасаларнинг етишмаслиги; *бешинчидан*: ахборот-таҳлил билан шуғулланувчи ходимлар таҳлил қилишда фактлардан кенг фойдаланмаслиги; *олтинчидан*: таҳлилчи ходимлар томонидан маъмурий ҳудуддаги тезкор вазиятни мунтазам кузатиб борилмаслиги, *еттинчидан* : ички ишлар органлари соҳавий хизматлар томонидан ўз хизмат фаолиятига доир маълумотларни ўз вақтида ва тўлиқ етказиб берилмаслиги каби муаммоларни



келтиришимиз мумкин. Юқорида келтирилган бир нечта муаммоларни юзага келганлиги сабабли ички ишлар органларининг фаолитига етарлича баҳо берилмасдан, фаолиятда юзага келган муаммоларни аниқлашнинг ва уларни бартараф этиш кечикаётгани юзага келган. Ушбу келтирилган муаммо ва камчиликларга бирма-бир тўхталадиган бўлсак, ички ишлар органларида ахборот-таҳлил фаолияти билан шуғулланувчи ходимларнинг ахборот-таҳлил фаолияти бўйича билимга эга эмаслиги — таҳлил фаолияти билан шуғулланувчи кадрларни малакасини ушбу соҳа бўйича иширишни комплекс қамраб олинмаган. Фақатгина юқори турувчи органлар фаолияти учун йўлга қойилганлигини кўришимиз мумкин. Шу масала юзасидан юқори турувчи органлар томонидан қўйи органларнинг таҳлилчи ходимларини тайёрлаш ва қайта тайёрлашни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ бўлади. Агарда ушбу муаммо бартараф этилмаса қўйи ички ишлар органлари бўлимида таҳлил фаолиятини олиб борувчи малакали кадрлар танқислиги кузатилади. ИИО га кадрлар етишмаслиги сабабли ИИВ таълим муассасадари битирувчиларидан ташқари бошқа олий таълим муассасаларини тамомлаган битирувчиларни ИИО га хизматга жалб этилмоқда. Улар касбий жиҳатдан хизмат соҳасига оид етарли билимга эга бўлганлари ҳолда, жамиятда, маъмурий ҳудудда одамларнинг белгиланган одоб-ахлоқ қоидаларга, тартиб-интизомга, қонун талабларига риоя этишни таъминлаш учун зарур раҳбарлик, ташкилотчилик ва тарбиячи функцияларини, яъни кундалик амалиётда бажаришларига тўғри келадиган вазифаларни уддалашга тайёр бўлмай қолмоқдалар.

#### **ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

- 1 . Ўзбекистон Республикаси янги тахридаги Конституцияси — 01.05.2023й.
2. Ички ишлар органларида бошқарув ва ахборот таҳлил фаолияти асослари --- 07.05.2019
3. АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ «БОЛЬШИХ ДАННЫХ» В ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ПРАВООХРАНИТЕЛЬНЫХ ОРГАНОВ — Лемайкина Светлана Владимировна 2022.
4. ИНФОРМАЦИОННО-АНАЛИТИЧЕСКОЕ ОБЕСПЕЧЕНИЕ ПРОЦЕССА УПРАВЛЕНИЯ В ОРГАНАХ ВНУТРЕННИХ ДЕЛ — В. А. КОЛЕСНИКОВ
5. РАЗВИТИЕ ПОНЯТИЯ «ИНФОРМАЦИОННАЯ БЕЗОПАСНОСТЬ» В НАУЧНО-ПРАВОВОМ ПОЛЕ РОССИИ — А. В. Шободоева 05.12.2016.
6. ЗАРУБЕЖНЫЙ ОПЫТ ПРИМЕНЕНИЯ ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В ПРАВООХРАНИТЕЛЬНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ — Латыпов Азамат Илгизович